Тошкент ҳақиқати

№ 160 (10.409).

1992 йил 19 ноябрь пайшанба

Баҳоси 3 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Республикамиз пахтаси 4 миллион тоннадан ошди

• 92-ЙИЛ ҲОСИЛИ



ТЕЗКОР ПАХТА ШТАБИ

33·40·48
33·48·08
33·50·18
33·05·22

• *Режани бажарганларни қутлаймиз!* •

ЮҚОРИЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ АҲМАД ЯССАВИЙ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ

Ҳар йили режани бажаришда пешқадамлик қилиб келаётган бу хўжалик мазкур йилда ҳам илғорлар сафида борди. Асосий тармоқ пахтачиликдаги ишлар ҳам салмоқли бўлмоқда. Ҳозирги кунга қадар 4300 тоннадан ортиқ пахта топширилиб, режа ортиғи билан бажарилди. Ана шу ҳосилнинг 3406 тоннаси машиналарда терилди. Ҳосилдорлик 28 центнердан ошиб кетди. Айниқса, Салим Елибоев, Саидкарим Исмағулов, Исмоил Ваганов, Абдумутал Акбаров ўртоқлар бошлиқ бўлимларда ҳосилдорлик юқори бўлди. Жуман Колхозов, Комил Қўлдошев сингари ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектаридан 31—32 центнердан хирмон кўтарилди. Авжи йиғим-терим қизғин кунларда далаларда 36 та терим машинаси ишлади. Бу машиналарнинг унумдорлиги 90—100 тоннаданга тўғри келди. Эргаш Олтоев, Ольга Куроедова каби механик-ҳайдовчилар 100—110 тоннадан ошириб пахта тердилар.

Хўжалик деҳқонлари йиғим-теримни давом эттирмоқдалар. Яна режага қўшимча 300 тонна пахта топшириш учун кураш кетмоқда.

●

ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ

Бу хўжалик ҳозирги кунга қадар 1396 гектар майдондан 4300 тоннадан ортиқ пахта топшириб режани ошириб адо этди. Ана шу ҳосилнинг 1740 тоннаси уруғлик пахтадир.

Машинада 2 минг тонна пахта териш мўлжалланган эди. Бу режа знёдаси билан адо этилди. 2399 тонна хом ашё машиналарда йиғилди.

Хўжаликнинг Юсупали Ашуров, Нуриддин Юсупалиев, Қаршибой Кенгашев, Эргаш Жўрабеков, Абдуқаҳҳор Убайдуллаевлар етакчилик қилаётган жамоалари режаларини 110—120 фоизга етказиб бажардилар.

— Ҳозир ҳам далаларимизда машиналар ишлаяпти,— дейди биз билан телефон орқали бўлган мулоқотда хўжалик бошқаруви раиси А. Мираҳмедов,— ҳар куни 25—30 тонна пахта тайёрланаяпти. Машинада терилган бир тонна пахтага минг сўм тўлаяпмиз. Қўлда терилган бир килограмм пахтага тўрт сўм тўланяпти. Бундан ташқари механик-ҳайдовчилар ва қўлда терувчиларга улар тераётган пахтасининг салмоғига қараб дон-дун, пахта мойи ҳам бериб турилибди. Хўжалик бўйича яна 600 тонна пахта топшириш ниятимиз бор.

ОҚҚУРҒОН РАЙОНИДАГИ «ОИТАМҒАЛИ» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ

Навоий номли жамоа хўжалигидан ажралиб чиққан бу хўжалик уйган хирмон 1220 тоннадан ошиб кетди ва режа ошириб адо этилди. Янги хўжалик меҳнаткашлари йилни муваффақиятли якунлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Улар далада қолган ҳосилнинг сўнгги килограммларигача қолдирмасдан териб олиш учун курашмоқдалар. Имконият чамалаб кўрилиб, яна 100 тонна пахта топшириш режа қилиб қўйилди. Бу қўшимча режа ҳам албатта бажарилади.

●

ШУ РАЙОНДАГИ «ХОНҚА» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ

Хонқаликлар ҳам йиғим-теримни гоятда уюшқоқлик билан ўтказдилар. Мавжуд техника ва ишчи-кучларидан самарадорлик билан фойдаланиш учун зарур чора ва тадбирлар кўрилди. Ҳамма ерда бўлганидек, бу ерда ҳам моддий манфаатдорликка катта эътибор берилди. Илғорлар ўз вақтида ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб турилди. Кўрилган чора тадбирлар самараси қувончли бўлди. Хўжалик 2482 тоннадан ортиқ қимматбаҳо хом ашё сотди. Режа уддаланди. Ҳали далада ҳосил бор. Яна кам деганда 150 тонна топшириш мўлжалланмоқда.

●

ҚУЙИЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ «ЮЛДУЗ» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ

Бу хўжалик собиқ «Коммунизм» колхозининг 2-бўлими таркибида ташкил этилган эди. Пахта майдони ҳам ихчамгина: 357 гектар. Ана шу майдонда мўл ҳосил етиштириш учун эрта баҳордан бошлаб астойдил ҳаракат қилинди. Деҳқонлар тажриба ва маҳоратларини ишга солиб, қийинчиликларни енгдилар. Баракали ҳосил етиштирдилар. Ҳосил йиғим-терими уюшқоқлик билан ўтказилди. Шу кунга қадар 980 тоннадан ортиқ ҳосил топширилиб, режа бажарилди. Ҳар гектаридан олинган ҳосил 27 центнерни ташкил этмоқда.

Юлдузликлар режага қўшимча яна 50 тонна пахта топширишга сўз бердилар.

АЗИЗ ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

● Сизларнинг фидойилигингиз, қаҳрамонона меҳнатингиз туфайли марра яқинлашиб қолди. Ҳозиргача уйилган хирмон 292 минг тоннадан ортди. Лекин ҳали режани бажариш учун кам деганда яна 30 минг тонна пахта териб олиниши керак. Бу ҳосил далада бор.

● Қолган ҳосилни йиғиб-териб олиш осон кечмайди, албатта. Ҳар бир кун, ҳар бир соат, ҳар бир дақиқанинг қадрига етайлик.

● Айни кунларда ҳар бир киши ўзини пахтакорга мададкор, ҳамкор деб билсин! Вилоят хирмонининг яқин кунларда бунёд этилиши учун муносиб ҳиссамизни қўшайлик.

• *Ҳашар—элга ярашар*

«АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ»

Вилоятимиз залворли «оқ олтин» хирмонининг тақдири ҳал қилинаётган ҳозирги энг масъулиятли кунларда ҳар бир киши ўз ўрнини пахта майдонларида, деб билмоқда. Ана шу долзарб паллада вилоят ташкилот ва муассасалари ходимларидан бир гуруҳи Қуйичирчиқ районининг «Гулистон» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари билан ёнма-ён эгатларда туриб, етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш учун куч-ғайратларини аямаётирлар.

— Пахтазорларимизда вилоятнинг 47 ташкилоти жамоаларининг вакиллари чинакамига ғайрат қилмоқдалар,— дейди жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси В. А. Шин.— Айниқса вилоят ҳокимлигининг ички ишлар бошқармаси, суди, «Комэнерго» ташкилоти ижтимоий таъминоти хашарчиларидан мамнунмиз. Аслида улар хўжалигимизнинг чевар теримчиларидан қолишмаяпти.

Ҳақиқатдан ҳам «Комэнерго»дан К. Дё, вилоят ички ишлар бошқармасидан М. Эгамбердиев, вилоят прокуратурасидан А. Дадаев, вилоят деҳқончилик саноати таъминоти ташкилотидан В. Глушколарнинг кўрсатаётган ҳиммат-лари тахсинга сазовор. Улар ҳар куни хирмонга 200 килограммдан ошириб пахта тўкяптилар.

«Гулистон» жамоа хўжалиги пахта тайёрлашда районда пешқадамлар сафида боряпти. Хўжаликнинг 2, 3, 4, 11, 17-бригадалари аллақачон зафар маррасини эгаллаб, мажбурият ҳисобига ҳосил топширмоқдалар. «Гулистон» жамоа хўжалиги ҳам бугун-эрта дастлабки довондан ошади. «Арғамчига қил қувват» деганларидек баракали пахта хирмони тезроқ қад ростлашида вилоят ташкилот ва муассасалари хашарчиларининг ҳам ҳиссалари катта бўляпти.

А. НОСИРОВА.

ВИЛОЯТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 18 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машинада бир кунда терилган пахта, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бўка	0,55	97,14	0,05	90,01
Оққўрғон	0,65	96,67	0,19	81,52
Бекобод	0,60	94,96	0,02	69,50
Ўртачирчиқ	1,09	91,52	0,68	70,35
Чиноз	1,03	90,64	1,39	92,92
Юқоричирчиқ	0,89	88,09	0,16	84,47
Қуйичирчиқ	0,59	87,39	0,08	82,64
Пискент	0,92	84,10	0,07	43,83
Янгийўл	1,01	83,63	0,48	55,05
Вилоят бўйича	0,76	91,48	0,26	75,10

● СУРАТЛАРДА: (чапда) 1. Пискент районидаги йиллик пахта тайёрлаш режасини уддалаган «Қирқкизобод» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Мадмурод Боймоқов илғор бригада бошлиғи Эркин Ҳамдамов билан. 2. Шу райондаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Турсунали Ҳайдаров мажбурият ҳисобига пахта топшираётган бригада бошлиғи Абурашид Қосимов ҳам механизатор Ҳусанбой Муҳамедовлар билан пахтазорда.

Суратқаш Р. РАҲМУЛИН.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ («ЎЗСУВҚУРИЛИШ») ДАВЛАТ КОНЦЕРНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатларини рўёбга чиқариш шароитида Республиканинг сув хўжалиги ташкилотларига қулай шарт-шароит яратиш, уларнинг тижорат-тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш, қуйи таркибий бўлинмаларга кўпроқ мустақиллик бериш ва тармоқни бошқаришни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети тизимидаги бирлашмалар, трестлар, корхоналар ва ташкилотларнинг мавжуд қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Сув хўжалиги қурилиши («Ўзсувқурилиш») давлат концернини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзсувқурилиш» концерни Ўзбекистон Республикасининг тугатилган Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг ҳуқуқий вориси бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ҳамда концернинг Вазирлар Маҳкамаси билан келишиб олинган Низомига амал қилади;

қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш масалалари ҳамда мелиорация, қишлоқ хўжалиги ва саноат-фуқаро иншоотларини қуриш юзасидан буюртмачи вазифалари «Ўзсувқурилиш» концернидан кимга тегишлилигига қараб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига ўтказилади:

«Ўзсувқурилиш» концерни таркибига кирувчи бирлашмалар, трестлар, корхоналар ва ташкилотлар ўз хўжалик мустақиллигини ва юридик шахслар ҳуқуқларини сақлаб қоладилар, меҳнат жамоалари фикрини ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиб, ўз ваколатлари ва вазифаларининг бир қисмини, жумладан давлат топшириқларини бажариш, марказлаштирилган тарзда ажратиладиган молиявий, моддий-техникавий ресурслар ва капитал маблағларни олиш масалалари юзасидан бошқа вазирликлар ва идоралар билан ўзаро муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалашни ихтиёрий равишда «Ўзсувқурилиш» концернига топширади.

2. «Ўзсувқурилиш» Ўзбекистон давлат концерни фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари:

концерн таркибига кирувчи қурилиш, саноат корхоналарининг, илмий ва лойиҳа ташкилотлари ҳамда муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Орол ва Оролбўйи муаммоларига доир амалий тадбирларни амалга ошириш;

давлат, кооператив, фермер ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар ва корхоналарнинг буюртмаси асосида сув хўжалиги ва саноат-фуқаро қурилиши, йирик гидротехник иншоотлар ва сув оқизиладиган зовурлар барпо этиш;

бинокорлик буюмлари, конструкциялари ва материалларини, қурилиш техникасининг айрим турларини, машина ва ускуналарни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

қўриқ районлар ва Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлашга оид ишлар туркумини амалга ошириш, магистрал қувурлар ҳамда хўжалик-ичимлик сув билан таъминлаш тизимларини қуриш ва такомиллаштириш;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи давлатларда ва чет элларда ўзаро фойдали ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, хорижий фирмалар билан биргаликда корхоналар ташкил этиш, сув хўжалиги ишлари ҳамда саноат-фуқаро қурилишини олиб бориш;

концернга кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, республика давлат бошқаруви идораларида ва чет элларда уларнинг умумий манфаатларини ифодалашдан иборат деб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида «Ўзсувқурилиш» концерни фаолиятини ташкил этиш масалаларига доир қарор қабул қилсин, унинг таркибини ва низомини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 18 ноябрь.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Австрия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган доктор Фридрих Бауэр мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи Австрия билан Ўзбекистон ўртасида дипломатия алоқаларининг ўрнатилиши мамлакатларимизнинг қизғин иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлигига хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

Ислом Каримов Марказий Европада жойлашган Австрия Республикасининг минтақадаги ва дунёдаги бошқа давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик соҳасида орттирган тажрибалари бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатимиз учун ибратлидир, деди.

Давлат бошлиғи Ўзбекистон билан Австрия ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилгандан сўнг мамлакатларимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида ўзаро ҳамкорлик фойдали ва давомий бўлажак, деб умид билдирди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдуразоқов ҳозир бўлди.

ДЎСТОНА ТАШРИФ БОШЛАНДИ

18 ноябрь куни Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг аъзоси, Ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнь Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюрди.

Икки мамлакат давлат байроқлари қилпираб турган пойтахт тайёрагоҳида Хитой ташқи сиёсат маҳкамаси бошлиғини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов, Ташқи ишлар вазири У. Абдуразоқов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэнгуан, элчихонанинг масъул ходимлари бор эди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий дўстона ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг аъзоси, Ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнни 18 ноябрь куни қабул қилди.

Суҳбат ошқоралик ва ҳайрихоҳлик руҳида ўтди. Ташқи сиёсатнинг айрим масалалари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг ХХРга ташрифи чоғида эришилган аҳдномаларга мувофиқ икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек иккала томонни қизиқтирадиган бошқа муаммолар муҳокама қилинди.

* * *

Шу куни Ташқи ишлар вазирлигида суҳбат бўлиб ўтди, суҳбатда ХХР давлат кенгашининг аъзоси, Ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнь ва Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазири У. Абдуразоқов иштирок этдилар. (ЎзА).

ТЕҲРОН БИР ҚАДАМ БЎЛДИ

Эрон Ислом жумҳурияти билан Ўзбекистон Республикаси сешанба куни Теҳрон-Тошкент йўналишида тижорий авиарейс очиш тўғрисида битим имзоладилар. Ассошиэйтед Пресс ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, ҳужжатга Эрон томонидан Миллий авиация ташкилотининг раиси Али Муҳаммад Нурнён ва Ўзбекистон ҳукумати номидан Ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи муовини Содиқ Сафоев имзо чекди.

Эрон Ислом жумҳурияти илгари Туркманистон ва Тожикистон билан ҳам шундай битим тузган эди.

(ЎзА).

ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

13 ноябрь куни Москвада Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукумат раҳбарлари даражасида иккала мамлакат ўртасидаги 1993 йилги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг истиқболлари муҳокама қилинди. Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида савдо муносабатлари ва ўзаро савдо ваколатхоналари ташкил этиш тўғрисида бир қатор битимлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси делегациясига Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов, Россия Федерацияси делегациясига Россия ҳукуматининг раиси вазифасини бажарувчи Е. Т. Гайдар бошчилик қилди.

РОССИЯ Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари 1992 йил 30 майда тузилган мамлакатларимиз ўртасида давлатлараро муносабатлар нинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома қоидаларига амал қилиб, ўзаро манфаатдорлик негизида Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга ҳаракат қилиб, ҳар бир давлатнинг мустақил ташқи иқтисодий сиёсат ўтказиш ва тегишли халқаро мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш қонуний ҳуқуқига асосланиб, Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида савдо муносабатлари тўғрисидаги битимни имзоладилар, шу битимга мувофиқ Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги савдо муносабатлари эркин савдо тартибида амалга оширилади, деб аҳдлашиб олдилар.

Аҳдлашувчи томонлар бир томоннинг бож ҳудудидан, иккинчи томоннинг бож ҳудудига юборишга мўлжалланган моллар четга чиқарилиши ёки келтирилишига бир хил амал қиладиган бож пошлиналари, солиқлари ва йиғимларини қўлламайдилар. Томонлар ушбу битим доирасида молларни четга чиқариш ёки четдан мол олиб келишга миқдорий чеклашларни ёхуд шунга ўхшаш чораларни қўлланишдан тийилиб турадилар. Миқдорий чеклашларни қўллаш муносабати билан вужудга келадиган ҳамма масалаларни улар маслаҳатлашув йўли билан ҳал қиладилар.

Қоида тариқасида бир-бидан харид этилган молларни экспорт қилиш таъқиқланади, шунингдек, уларга тариф ва нотариф йўли билан бошқариш чоралари қўлланадиган молларнинг рўйхати белгиланади. Бундай моллар учинчи мамлакатларга мазкур моллар ишлаб чиқарилган мамлакат давлат идоралари вакилларининг ёзма розилиги билан ва улар белгилаб берган шартлар асосидагина экспорт қилиниши мумкин.

Томонларнинг ўз ҳудудларидан юкларни бемалол ўтказиш қоидасига риоя этишлари ушбу Шартнома мақсадларига эришишнинг муҳим шарти ҳамда уларнинг халқаро меҳнат тақсимоти ва кооперациялаш тизимига қўшилиш жараёни муҳим жиҳатидир. Шу муносабат билан ҳар бир томон бошқа томоннинг ёки учинчи мамлакатнинг бож ҳудудидан келаётган ва бошқа томоннинг ёки ҳар қандай учинчи мамлакатнинг ҳудудига мўлжалланган моллар ўз ҳудудидан тўсқинликсиз ўтишини таъминлайди. Томонлар экспортни назорат қилиш юзасидан келишилган сиёсатни ўтказиш мақсадида давлатлараро мувофиқлаштириш кенгашини тузишлари мумкин.

Мазкур битимни талқин этиш ёки қўлланиш хусусида аҳдлашувчи томонлар ўртасида чиққан низолар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

Россия Федерацияси ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида 1993 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳам имзоланди. Икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида, иккала давлат ҳуқуқий шахслари ва фуқаролари ўртасида бозор муносабатлари ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш зарурлигига асосланиб, томонлар Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ўзаро манфаатдорлик қоидаларига асосланади, деб келишиб олдилар.

Ушбу битимда Россия Федерациясида ва Ўзбекистон Республикасида етиштириладиган ва тайёрланадиган асосий маҳсулот турларини ўзаро етказиб бериш ҳажмлари белгилаб қўйилди. Томонлар энг муҳим турдаги маҳсулотларни етказиб бериш, шу жумладан, давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулот ҳажми хусусида шартнома тузишни тегишли ташкилотларга топширадилар, шунингдек маҳсулотларнинг бошқа турларини етказиб бериш юзасидан таркиб топган ҳўжалик алоқаларини, шу жумладан, кооперация ва технология алоқаларини сақлаб қолишга кўмаклашадилар. Нархни барқарорлаштириш ва тартибга солиш мақсадида четга сотиш миқдорини белгилаб қўйган маҳсулотларнинг энг муҳим турларига доир масалаларни бир-бирларига, клиринг асосида пахта толаси ва нефть ҳамда нефть маҳсулотлари етказиб бериш билан ҳал қиладилар.

Унда Ўзбекистон Республикаси Россиядан олинган 4,0 миллион тонна нефть, 150 минг тонна автомобиль бензини, 71 минг тонна дизель ёнилғиси, 800 минг тонна мазут эвазига 544 минг тонна тола етказиб бериш мажбуриятини олади. Россия Федерациясидан олинадиган товарлар тури юздан ортиққа камайиши муносабати билан шартнома савдо идоралари ёки таъминотчилар ва истеъмолчилар ўртасида бевосита тузилган шартномалар асосида мол айирбошлашни амалга ошириш кенг ривожланади.

Томонлар Россия Федерацияси ёқилғи — энергетика мажмуи билан Ўзбекистон Республикаси пахта етиштириш ва қайта ишлаш мажмуи эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор берадилар. Ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳамда хизмат кўрсатиш учун ҳисоб-китоблар ва тўловлар шартнома нархлари асосида амалга оширилади. Томонлар қўшма корхоналар, шу жумладан, учинчи томонларнинг ҳўжалик субъектлари иштирокидаги қўшма корхоналар барпо этишга ва уларнинг фаолиятига кўмаклашадилар, шунингдек, ҳар икки томонни қизиқтираётган инвестицияларга биргаликда сармоя сарфлашни ташкил этиш ишини ўзларининг тегишли идораларига топширадилар.

Протокол иловасига кўра, «Росконтрактторг» ва «Ўзбекшартномасавдо» идораларига Шартнома асосида ушбу икки комплекс эҳтиёжларини қондириш вазифаси топширилади.

Шу битимлар билан бир қаторда иккала давлат пойтахтларида бир-бирларининг савдо ваколатхоналарини очиш тўғрисида келишилди. Савдо ваколатхоналари Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашади, шу мамлакатда савдо-сотиқ ҳамда иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа турларига таллуқли барча масалаларда ўз давлати манфаатини ҳимоя қилади, савдо ваколатхонаси очилган мамлакатдаги иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда ташқи иқтисодий фаолият соҳасига доир қонунлар ҳақида ўз мамлакати давлат идораларини хабардор қилиб туради, ўзи жойлашган мамлакатдаги манфаатдор идораларга ўз мамлакати тўғрисида худди шундай маълумотларни бериб туради.

Савдо ваколатхоналари ўз давлатлари номидан иш юритади. Савдо вакили ва унинг ўринбосарлари, шунингдек, савдо ваколатхонасининг маъмурий ва техник ходимлари халқаро ҳуқуқларга мувофиқ тегишли дипломатия ваколатхоналари фойдаланадиган имтиёзлар ва енгилликлардан фойдаланадилар. Томонлар ўртасидаги аҳдномага биноан мамлакатнинг бошқа шаҳарларида алоҳида савдо ваколатхоналари очилиши мумкин. Бу бўлинмаларнинг ҳуқуқий мақоми шу мамлакатлар ўртасидаги ўзаро аҳдлашувга мувофиқ белгилаб қўйилади.

Савдо ваколатхоналарининг очилиши ўзаро манфаатли савдо муносабатларини янада самарали ва малакали амалга ошириш имкониятини яратади.

Битимларнинг имзоланиши Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, иккала давлат иқтисодиётини барқарорлаштиришга ёрдам беради.

ХУСУСИЙ ИНСТИТУТ

ТОШКЕНТ шаҳрида Ўзбекистонда биринчи хусусий институт ташкил этилди. Бу ишбилармонлик ва ташқи иқтисодий алоқалар олий ўқув юртидир. Институтнинг муассислари орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига кўмаклашиш уюшмаси, «Ўзбекавтотранс» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекагропромсервис» ташқи иқтисодий уюшмаси ва бошқа бир қанча ташкилотлар бор.

«Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилингач, шу ўқув юртини ташкил этиш мумкин бўлди. Бу қонун таълимнинг анъанавий тизими билан бир қаторда давлатга қарашли бўлмаган мактаблар ва олий ўқув юртлари ташкил этишни ҳам кўзда тутади. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги янги институтга фаолият кўрсатиш ҳуқуқини берадиган лицензияни топширди.

Хусусий институт касби ишбилармон кишиларни тайёрлаш, бозорга ўтиш даврида ёшларда иқтисодий тафаккурни шакллантиришга кўмаклашиш ниятидадир. У икки йўналишда мутахассислар тайёрлайди. Халқаро иқтисодий муносабатлар ва ҳуқуқшунослик ана шу йўналишлардир. Талабалар беш йил давомида бозор иқтисодиёти, ташқи хўжалик алоқалари асосларини, уларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни ўзлаштирадилар, халқаро ишбилармонлик протоколини ташкил этишни ўрганадилар. Институтни битирган кишиларга бакалавер илмий даражаси берилади.

Ишбилармонлик ва ташқи иқтисодий алоқалар институтининг ректори Г. Н. Охунова республикадаги мавжуд олий таълим тизими ҳозирча бозор иқтисодиёти талабларини тўла-тўкис қондиришга қодир эмас, деб ҳисоблайди. Шу сабабли у ҳамкасблари билан биргаликда биринчи хусусий олий ўқув юртини ташкил этишга аҳд қилди.

Бу ерда талабаларнинг 10 фоизи текинга ўқитилади. Улар камбағал оилалардан чиққан истеъдодли йигит ва қизлардан иборат бўлади. Институт соф фойданинг ўн фоизини республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига беради.

Институтда Ўзбекистоннинг таниқли амалиётчи мутахассислари, Москвадаги давлат халқаро муносабатлар институтининг муаллимлари дарс берадилар. Бўлажак ишбилармонларга инглиз тилини ўргатиш учун АҚШ «Тинчлик корпуси» халқаро агентлигининг аъзолари ҳам жалб этилади. Янги институт ўз талабалари тажрибасини ошириш тўғрисида Нью-Йорк штати университети билан шартнома тузди.

Хусусий олий ўқув юртида таълим асосан пуллик бўлади. Дастлаб 200 минг сўм тўланади. Бу пулни буюртмачи ташкилотлар тўлашлари мумкин, улар ўзлари учун мутахассис тайёрлаш мақсадида институт билан шартнома тузадилар.

Олий ўқув юрти хусусий ва пуллик бўлишига қарамай талабалар танлов асосида қабул қилинади. Ҳозир кириш имтиҳонлари давом этмоқда. Ўқиш 1 декабрдан бошланади. Биринчи курсга ишбилармонлик соҳасида ўзини кўрсатишни хоҳлаган 150 нафар йигит ва қиз қабул қилинади. Ўрта маълумотли кишилар ҳам, олий маълумотли ёшлар ҳам қабул қилиниши мумкин.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзА мухбири.

«ИШНИ БОШЛАШГА ТАЙЁРМИЗ»

ПОКИСТОН ўзини собиқ СССРдаги Ўрта Осиё республикалари билан боғловчи автотрасса қурилишини бошлашга тайёр эканлигини билдирди. Бу ҳақда Покистон иқтисод ва молия ишлари вазири Сартаж Азиз мухбирлар билан суҳбатда маълум қилди. Унинг айтишича, деб хабар беради РАТА—ТАСС мухбири Эйшн Ньюс Интернэшнл Ҳиндистон ахборот маҳкамаси хабарига асосланиб, қурилиш ҳаражатларини Ислом тараққиёт банки ўз зиммасига олади. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси Покистон, Афғонистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари томонидан қўллаб-қувватланган. «Қўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатилган заҳотиёқ биз ишга тушамиз,— деди вазир. Лойиҳа амалга ошгач, деб таъкидлади у, минтақадаги давлатларга катта иқтисодий даромад келтиради».

(ЎзА).

«ТОШКЕНТ» ДЕБ НОМЛАНДИ

ҚАДИМИЙ ва гўзал Тошкентимиз тобора чирой очиб бормоқда. Бу ерда фан ва маданият ҳам кенг ривож топмоқда.

Бундай ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи янги нашр босмага тайёрланди. Ўзбекистон Энциклопедия таҳририяти томонидан ҳозирланган бу китоб қомусий йўсин касб этиб, шаҳар фаолияти билан боғлиқ кўп маълумотларни ўз ичига олади.

Рангли-безакли қилиб чиқарилаётган «Тошкент» китоби эсдалик совға нашри сифатида ҳам диққатга сазовордир.

С. ОДИЛОВА.

● *Фахрий муаллимлар ҳақида ҳикоялар*

ҲАМИША ОДАМЛАР ОРАСИДА

ҲАР сафар бу қалби дарё кишини учратганимда унга бўлган ҳурматим ошиб, меҳрим товланаверади. Домланинг мулойим, табассумли чеҳрасида, самимийлик ҳалоллик туйғуси жо бўлган сермаъно кўзларида ўз ҳаётини фақат яхшилик қилишга бағишлаган юраги соф инсонни кўраман.

Заҳматкаш муаллим, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси Мираҳмад ака Мирзааҳмедов баркамол одамийлик хислатлари билан биргина менда эмас, балки, юзлаб шогирдлари, маҳалладошлари, ўз тенгқурлари орасида ҳам ҳурмат, эътибор топди.

Кўпинча байрамларда, тўйларда бирга бўлиб қолганимизда мураббий билан гурунглашиб ўтирамиз. Шунда мавзу устозга дахлдор ажойиб фазилатлари, эл орасида орттирган иззат-икромларига бориб тақалгудек бўлса, дарҳол суҳбатни ўзгартиришга интилади. Ҳамкасблари, издошлари ҳақида берилиб сўзлайди. Уларнинг орасидан билимдон, малакали ўқитувчилар етишиб чиққанлигини гапириб, қувонади.

Шунда ҳаёт йўли мардликларга, жасоратга тўла, бутун умри меҳнатга ва бурчга содиқлик билан ўтиб келаётган бу оддий ва камтар зиёкорга ҳавасим келади. Унинг умр довонлари ёшлар учун ибрат мактаби бўлиши керак деган истак пайдо бўлади менда. Ўзи аслида ҳам шундай. М. Мирзааҳмедов истиқомат қилаётган Тошкент районидаги «Наврўз» маҳалласида бўлсин ёки у ишлаб, эъзоз билан пенсияга кузатилган Тошкент шаҳридаги Юсуф Мўминов номли 274-ўрта мактабда бўлсин, ҳар қандай тадбирларда Мираҳмад акани ҳамиша давра тўрига олишади. Мулоқотлар пайтида йиғилганлар отахоннинг ҳаётга, меҳнатга, ота-онага, оилага меҳр-муҳаббатли бўлиш, болалар тарбиясини бўшаштирмаслик тўғрисидаги сўзларини алоҳида эътибор билан тинглайдилар. Маҳалла аҳли М. Мирзааҳмедовни тинчи бузилган оилаларнинг маслаҳатгўйи, тўйларни сермазмун, ихчам ўтказиш борасида жонкуярлик кўрсатувчи саркор сифатида ҳам ҳурмат қилади.

— Инсон фарзанди, — дейди Мираҳмад ака, —эл обрўсини қозониши учун, аввало, яхши хулқли, камтар, меҳнатсевар, халқпарвар, қувончли кунларда ҳам, мусибатли пайтларда ҳам одамлар билан бирга бўлишининг ўзи кифоя. Хусусан, менинг хулосам шундай.

Қирқ йилга яқин ўрта мактабларда бошланғич таълимдан дарс берган маорифчи амалда ана шу хислатларни ўз болаларига ҳам сингдирди. Умр йўлдоши, оқила аёл Хайринисо опа билан икки ўғил, тўрт қизни жамиятимизга муносиб фарзандлар қилиб вояга етказди. Эндиликда Бахтиёр, Баҳодиржонлар, қизлари — Мавлуда, Муҳаббат, Мукаррам, Мухтабархонлар ҳам турли касбларда ўз бурчларини ҳалол бажармоқдалар. Юриш-туришда саранжом-сариштта, баодоб фарзандларга маҳаллада ҳамма ҳавас қилади. Мираҳмад ака қатор набиралар учун севимли бобо ҳамдир.

— Барака топкур, Мираҳмад ўғил-қизларига яхши таълим берди, — дейди маҳалла оқсоқолларидан бири уста Йўлдош ота. — Болаларининг қўли ҳамиша кўксида.

Улуғ Ватан уруши фахрийси Султон ота Мирзобидовнинг эса М. Мирзаҳмедов уруш йиллари босиб ўтган шиддатли жанг йўллари ҳақида ёшларга кўп бора ҳикоя қилиб берганлигининг гувоҳи бўлганман.

Чиндан ҳам зиёкор умр дафтарининг бу варақлари сермазмун. 1939 йилнинг ноябрида аскарлик либосини кийган ёш йигит кўп ўтмай ғарбий Украинани озод қилишдаги оловли жангларда матонат кўрсатди. Кейин оқ финлар билан бўлган тўқнашувларда, сўнгра 1941 йилнинг 22 июнида чегарада ўлим билан юзма-юз туриб, довюрак жангчи сифатида танилди. Ниҳоят душманни Берлингача қувиб борди.

— Қирқ йил уруш бўлса, ажали етган ўлар экан, деган нақлга тўла ишонаман, — дейди М. Мирзааҳмедов, — душман билан олишувларда уч марта ярадор бўлдим, бир марта контузияни бошимдан кечирдим. Аммо худога шукр, болаларнинг бахтига омон қайтдим.

Мираҳмад ака уруш тугаб она қишлоғига қайтгандан буён мукофотларини фахр билан тақиб юради. Муаллим дарсларда болаларга уларнинг тарихини неча бор сўзлаб берган. Ўқувчилар эса ўзларининг тўғри сўз, мард, меҳрибон муаллимлари билан фахрланганлар.

...Йиллар ўтди. Мираҳмад ака мактаб билан расман хайрлашди. Аммо, қалби ҳамон ёш авлодга меҳр билан жўш уриб келмоқда. Эндиликда 73 ёшли соҳибкор отахон болаларни соғинса, дарҳол мактабга отланади. Улар билан суҳбатлашиб, шогирдларини кўриб, дили таскин топади. Маҳаллада ҳам отахон учун юмушлар етарли. Ҳамон кимдир маслаҳат сўраб келади, бошқа биров тўйига бош-қош бўлишга таклиф этади, яна кимдир оиласига тушган безовталикни бартараф этишда кўмаклашишни илтимос қилади.

Фахрий ўқитувчи, халқ таълими аълочиси, Мираҳмад ака ҳаммасига улгуради. Чунки, унинг қалби азалдан одамларга яхшилик бахш этиш туйғулари билан йўғрилган.

Сандвали ҲАСАНОВ.

● *Турли касб эгалари*

ЁШ УСТА

ТАНЛАГАН касбига меҳр қўйган, унинг шаънига доғ туширмасликка астойдил интилганлар ҳам бўлмайди, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлади. Санжарбек Идилбоев ҳам ҳали ёш бўлишига қарамай ҳунарини ардоқлайди, ҳар бир буюртмани тез ва сифатли бажаришга ҳаракат қилади. Касби эса автомашиналар камераларини ямаш. Унинг мўъжазгина буткаси Бўка туманидаги «Дўстлик» ижара хўжалигида автомашиналар серқатнов бўлган катта йўл ёқасида жойлашган. У қўйган ямоқлар пишиқ-пухталиги билан ажралиб туради. Ушбу суратда Санжарбек Идилбоевни иш устида кўриб турибсиз.

Суратқаш П. ЭРГАШЕВ.

МУШТАРИЙ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҚАЧОНГАЧА ЧЎЗИЛАДИ?

Илгари Оҳангарон районида марказий катта қишлоқ бўлиб, унда катта Облиқ бозори бўларди. У ерда туя, от, ҳўкиз, қўй ва эчкидан тортиб турли хил буюмлар, боғ ва полиз маҳсулотлари, олтин ва кумушдан ясалган безаклар, мўйналар ва бошқа нодир буюмлар сотиларди. Лекин шу кунларда бу дов-дарахтга ўралган, булоқ сувлари мўл, ажойиб қишлоқ юракни эзадиган даражада. Чунки яқин ўртада жойлашган «Ўзбекрезинотехника», уйсозлик комбинати, шағал заводи, картон идишлар комбинати, мўйнали ҳайвонлар фермаси ва бошқа қатор корхоналарнинг чиқити ва чанги бу қишлоқнинг экологиясини ўзгартириб юборди. Бундай аҳвол барчани ташвишга солмоқда. Юқорида номлари зикр этилган корхона раҳбарлари Облиқ, Гулбоғ, Соғлом, Қорабоғ каби қишлоқларнинг экологик аҳволини яхшилашга ёрдам беришларини истардик. Хуллас, сув ва ҳавонинг софлигини сақлаш чоралари кўрилса, йўлларимиз ровон бўлса, тозалик, саранжом-саришталикка қатъий риоя қилинса ҳар ҳолда аҳолига анча ёрдам бўларди.

Урол ЖУРАЕВ,
жамоатчи мухбир.

● *Таҳририятга хат*

ЎЗ НОМИНИ ТОПСИН

Яқинда хизмат сафаридан қайтаётиб, Чиноз туманидаги Пахта қўрғонининг номи Эски Тошкент деб тикланганлигини кўрдим. Жуда яхши иш бўлибди. Чунки Ўзбекистонда пахта номи билан боғлиқ Пахтаобод, Пахтакор, Пахтачи, Пахтақайнар, Пахтали ва бошқа шунга ўхшаш ўнлаб, балки юзлаб қишлоқлар, жамоа ва давлат хўжаликлари, қўрғон ва шаҳарлар, районлар бор.

Чойнинг Ҳиндистон учун, кофеннинг Бразилия учун қанчалик муҳим эканлигини ҳаммамиз биламиз. Бироқ мен турли жуғрофий атласхариталарини кўриб чиқиб, ўша юртларда кенг тарқалган ўсимлик номи билан биздагидек кўп жойлар аталаётганлигини аниқлай олмадик. Буни энди тузатмасак бўлмас. Қолганлар чиноликлар ташаббусини қўллаб-қувватласалар бас. Ахир ўша «пахта — пахта»ларнинг ҳам қадимда тарихий номлари бўлган. Ўша номлар тикланса яхши бўларди.

Шу ўринда мен Янгийўл деган жой номи тўғрисида ҳам тўхтаб ўтишни истардим. Бизда Янгиер, Янгиариқ. Янги қишлоқ каби номлар кўп бўлса-да, уларнинг қадимги номланиши аниқ жой номи билан боғлиқ. Янгийўл номи билан боғлиқ жойлар шу атрофда янги қуриб битирилган тош, асфальт ёки бетон йўл шарафига шундай деб аталган эмас.

Янгийўл, Янги ҳаёт, Янги турмуш — бу халқимизга шўролар туфайли зўрлаб тиқиштирилган социалистик тузум маъносида қўйилган номлардир. Бу йўлнинг қималиги маълум бўлган ҳозирги даврда Янгийўл шаҳрини эски номи билан «Қовунчи» (ёки «Эски Қовунчи») деб, қолган Янгийўл, Янги ҳаёт ва Янги турмушларни ҳам эски номлари билан атайвериш керак...

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ,
ҳуқуқшунос.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

Ўзбекистоннинг ёрқин келажаги, унинг истиқлол ва мустақиллиги кўп жиҳатдан унинг Асосий Қонунига боғлиқдир, чунки бу қонун республиканинг ҳар бир фуқароси учун, давлат ҳокимияти учун аниқ йўлни белгилаб берадиган компас ҳисобланади. Мустақил ватанимиз ва давлатимизнинг иқтисодий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётини ташкил этиш ва бошқариш учун заруриятдир.

Одатда Конституция узоқ муддатга мўлжалланган илмий асосланган ва кучли бўлиши ҳаётнинг муҳим талабидир. Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси инсон ҳуқуқларига, мустақиллик ва иқтисодий адолат, инсонпарварлик, демократия ғоясига содиқлик, келажак авлод олдида масъулият сезиш, ўзбек давлатчилиги ривожи тажрибаси анъаналарига таянган, халқаро ҳуқуқ меёрларини эътироф этиш, ҳуқуқий давлат тузиш, халқимизга муносиб тинчлик, миллий тотувликни таъминлаш мақсади билан ғоят аҳамиятлидир. Ўзбекистоннинг бу конституцияси унинг 1927 йил 30 мартида, 1937 йил 12 февралида ва 1978 йил қабул қилинган конституцияларидан тубдан фарқ қилади. Энг аввало, Ўзбекистон ССРнинг илгариги Конституциялари том маънода мустақил давлатнинг Конституциялари бўлмай, улар собиқ, парчаланиб кетган ССРнинг 1924 йил 31 январь, 1936 йил 5 декабрь, 1977 йил 7 октябрь Конституцияларига асосланган эди. Сталинизм, якка ҳокимлик, қизил империя тизими даврида собиқ ССРнинг Конституцияси ва унинг қонунлари устун ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг ҳуқуқ меёрлари ҳам поймол қилинган эди, бу эса собиқ ССРнинг тенг ҳуқуқли давлатлар федерацияси эмаслигини, унинг империалистик, мустамлакачи давлат эканлигини ифодаларди. У даврда Конституциялар мамлакат учун эмас, балки ҳаҳон жамоатчилигининг ончини чалғитиш, тарғибот учун қабул қилинар, лекин уларга риоя қилинмаси эди. Сталинизм, якка ҳокимлик тизими қонунларни бузар, оммавий қатағонлик сиёсатини юргизар, инсон ҳуқуқини поймол қилар, халқаро ҳуқуқ меёрларига риоя қилмас эди, у даврда қонунлар тайинланарди. Миллий адолат, инсонпарварлик, ҳодимларни танлаш ва жойжойига қўйишда аҳоли миллий таркиби сонига яраша мутаносибликка риоя қилинмаган эди. Инсон ҳуқуқи поймол қилинганлиги, ўзбек миллатига қарши қураш «пахта иши», «ўзбек иши» каби 1984—1989 йилларда юргизилган сўллик сиёсатида яққол ўз ифодасини топди, чунки ўша йиллари республикада 20 мингдан зиёд фуқаролар, ходимлар қамоққа олинди, СССР прокуратураси ходимлари Гдлян ва Иванов гуруҳи ўзбошимчалик билан зўравонлик сиёсатини юргизди. Республика ҳукумати ўз фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қила билмади. Бу ҳол 1989 йил июнигача давом этди. Агар Ўзбекистон мустақил давлат бўлганида бундай мудҳиш иш бу ерда содир бўлмаган бўлурди. Ўша даврда империяча тафаккурда турган шахслар СССР Конституцияси ва Қонунлари устунлигини сақлаб қолиш учун тиш-тирноқлари билан ҳаракат қилдилар.

Ўзбекистон ССРнинг илгариги Конституциялари, тор синфий қарашга, ҳаёлий коммунистик мафкурага асосланган бўлиб, уларда миллий манфаатлар синфий манфаатларга бўйсундирилган, хусусий мулк инкор қилинган, жамиятнинг иқтисодий асоси — бу иқтимоий мулкнинг асосан икки шакли — давлат ва жамоа хўжалиги мулки деб ҳисобланарди.

Ўзбекистоннинг давлат ҳокимият тизилмаларига, жамоат ташкилотларига, сиёсий партиясига СССР сиёсий тизимининг таркибий қисми сифатида қаралган эди. Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг субъекти эмас, балки объекти бўлиб, у мустақил ташқи сиёсат, ҳорижий давлатлар билан мустақил иқтисодий, сиёсий, маданий ва сандо алоқалари олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум эди. Эндиликда Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг субъекти, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга давлатдир. У ўз ҳудудида ҳокимият тизилмаларини мустақил давлатга хос қайта ташкил этмоқда, ўз ҳудудида ҳокимиятнинг бирдан-бир соҳибкори бўлди. 1990 йил июнида Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги тўғрисида декларация 1991 йил 31 августида эса Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисидаги Қонун қабул қилиниб, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги бунёд этилди. 1991 йил 29 декабрида ўтказилган референдумда республикамиз фуқаролари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини ёқлаб овоз бердилар. Кейинги уч йилдан знёдроқ вақт ичида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, сиёсий ва маданий мустақиллигини таъминлашга доир жуда кўп қонунлар, фармонлар қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикасининг Конституция лойиҳасини тайёрлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилди. Мазкур лойиҳа 6 бўлим, XXVIII боб, 127 моддадан иборат бўлиб, у ўз ичига давлатимиз мустақиллиги, халқ ҳокимиятчилиги, ташқи сиёсат, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари, сиёсий, иқтисодий, иқтимоий ҳуқуқлар, жамиятнинг иқтисодий негизлари, жамоат бирлашмалари, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, президентлик бошқаруви, Президент Ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият, суд ҳокимияти, прокуратура, молия ва бюджет, мудофаа ва хавфсизлик соҳаларини қамраб олади.

Лойиҳа демократик, ҳуқуқий давлат талабига асосан жавоб беради. Биз Конституция лойиҳасига ўзгаришларнинг баъзи бир мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз. Лойиҳадаги «Ўзбекистон суверен демократик респуб-

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

МЕБЕЛСОЗЛАРНИНГ ЎЗГАЧА «КАСБИ»

«ЯНГИЙЎЛ» мебель ишлаб чиқариш акционерлик концерни ҳудудида қазилган қудуқ меҳнат жамоаси учун даромад булоғи бўлиши мумкин. Ер остидан отилиб чиққан шифобахш сув сифати жиҳатидан жаҳонга машҳур Миргород сувини эслатади.

Концерн раҳбарияти олдида бу неъматдан тўғри фойдаланиш масаласи пайдо бўлди. Мутахассислар шифохона барпо этишни, сувни эса шиша идишларга қуядиган цех қуришни таклиф этдилар. Бундай сувни бир қанча хорижий фирмалар валютага сотиб олиш истагини билдирди.

— Биз учун минерал сувни сотиш асосий вазифа эмас, — дейди концернинг бош директори С. Сафу. — Биз шаҳардан маблағ етишмаслиги сабабли битмай қолган спорт-соғломлаштириш комплексини сотиб олдик. Ҳозир у ерда пардозлаш ишлари бажарилмоқда. Спорт майдончалари, сауна, ҳовузча ва физиотерапия шифохонасидан ташқари Шарқ тиббиёти маркази ва сув билан муолажа қилиш шифохонаси жойлашади. Корхона меҳнатчилари ва уларнинг оила аъзолари марказ хизматидан текин фойдаланишлари мумкин.

Концерн раҳбарияти тиббий ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар билан зарур асбобларни етказиб бериш тўғрисида шартнома тузди. Бу асбобларнинг бир қисми концерн маҳсулоти эвазига етказиб берилади. Чунки Янгийўл мебелига кўпгина МДҲ мамлакатларида талаб катта.

●

КОМБИНАТНИНГ ЯНГИ ЦЕХИ

● ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинатида янги олтингугурт кислотаси цехи қурилиши ниҳоясига етди. Бу ерда машина-ускуналар ўрнатилиб, уларни ишга тушириш учун созлаш ишлари бошланди.

Янги цехнинг қуввати ҳозир ишлаб турган цех қувватидан анча ортиқ бўлиб, йилига 360 минг тонна олтингугурт кислотаси ишлаб чиқаради. Янги цехнинг ишга туширилиши иқтисодий жиҳатдан самара берибгина қолмай, катта экологик фойда келтиради — маҳсулот ишлаб чиқариш мис эритиш корхонасидан ҳавога чиқариб юборилаётган зарарли газларни ушлаб қолиш ҳисобига кўпаяди.

Янги цехни «Алмаликсвинецстрой» трестининг жамоаси қурди. Навбат мис эритиш корхонасидаги кислород-машъала цехига келди. Бу цехнинг ишга туширилиши корхонага икки томонлама фойда келтиради.

(ЎзА мухбири).

● *«92 – йил ҳосили»* ●

«ҲАҚИҚАТ»НИНГ ЮЗИ ЁРУҒ

РАИС билан учрашувга қадар у ҳақда анчагина гапириб беришган эди. Суҳбат чоғида кенг елкали, барваста гавдали, тоғни урса талқон қилгудек хўжалик раҳбари Қозоқбой Соттибоевга берилган таърифлар чиндан ҳам ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Шеъриятга қизиққани ҳам, ички интизомни мустаҳкамлашда ҳарбий командирларга хос талабчанлиги, колхозчи турмушини яхшилашга келганда мардлигию тантилиги ҳам, юксак иродалигию тўй маъракаларда каттаю кичик билан баробарлиги ҳам — ҳамма-ҳаммаси рост.

Биз «Ҳақиқат»га борган кунимиз — 13 ноябрда раис, унинг муовини Ўктам Азаматов, бош ҳосилот Карим Эгамов, колхоз халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти котиби, республика халқ депутати Абдулла Холбеков, бош иқтисодчи Ҳаким Маҳкамов билан бирга пахта топшириш йиллик режаси бажарилгани ҳақида рапорт тайёрлашаётган экан.

Уларни табриклагач, ишга оид маълумотлар юзасидан анчагина гаплашиб ўтирдик. Бу йил «Ҳақиқат» колхозида 1111 гектар майдонга уруғлик пахтанинг «Наманган-77» нави экилди. Баҳорда сел туфайли Ўртачирчиқ районидаги пахтакор колхозлар бошига қандай мушкулликлар тушган бўлса «Ҳақиқат» ҳам ундан ҳоли қолмади.

— Бундай қийинчиликни биринчи бор кўраётганимиз йўқ, — деди шунда раис колхозчиларни йиғиб, — бундай пайтларда ҳамиша баҳамжиҳатлик, тадбиркорлик, фидойилик иш берганлиги кўп йиллар бери маълум. Мен эса сизларга ишонаман. Шу бугундан бошлабоқ қайта экиладиган майдонларда ҳам, қатқалоқдан ҳоли қилинадиган пайкалларда ҳам сидқидиллик билан, енг шимариб ишга киришайлик.

Қозоқбой ака хўжалик меҳнаткашларининг фазилатларини яхши билар, унинг гапини икки қилмасликларини ҳам дил-дилдан ҳис этарди. Бу бежиз эмас эди. Чунки, раҳбар колхозчиларига, колхозчилар эса ўз раҳбарларига чин меҳр қўйишган, улар орасидаги бир-бирларига ғамхўрлик, ишонч ҳислатлари йиллар давомида синовдан ўтган эди.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, Қозоқбой ака, — деди шу йиғилишда сўз олган бригада бошлиғи Аббос Шаропов, — пахта бўлади. Бўлганда ҳам ҳар йилгидан ортиқроқ, сифатлироқ ҳосил етиштирамиз. Колхозчилар руҳан тушганлари йўқ, юксак ирода билан қийинчиликни бартараф этяптилар.

Колхоз раиси зудлик билан ўтказган бу мажлисда сўзлаган механик-ҳайдовчилардан ҳам мамнун бўлди. Зарур бўлса кунни тунга улаб ишлашга ваъда бердилар улар.

Айтилган сўзлар зое кетмади. «Ҳақиқат» далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Энди нес-нобуд қилмай, уни йиғиб олиш асосий мақсад эди. Жамоа хўжалиги бошқарувида меҳнат интизомини бузмаслик учун кишиларни қўшимча даромаддан маҳрум этиш бўйича кескинроқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Бригада бошлиқлари улар билан ўз аъзоларини таништириб имзо қўйдириб олдилар.

— Ташқаридан қараганда бу тартиб қаттиқроқ туюлиши мумкин, — дейди Қ. Соттибоев, — лекин, бир нарсани унутмаслик керак. Ишлаб чиқаришда ҳам жангдагидек темир интизомгина ютуқни таъминлайди. Бўшашувчанлик, лоқайдлик, масъулиятсизлик эса доимо салбий ҳолатларга сабаб бўлган. Ана шу йўналишни меҳнатни рағбатлантириш билан ҳамоҳанг олиб борамиз.

Дарҳақиқат, бу мавсумда ҳам шундай бўлди. Ҳар беш кунда колхозчилар, механик-ҳайдовчилар даланинг бошида иш ҳақларини олиб турдилар. Шунингдек, уларга ярим йилликда ишлаган маошларининг ҳар сўмига 50 граммдан буғдой бепул тарқатилди. Колхозчи оилалар хўжалик ҳисобидан ёғ, совун ва бошқа халқ истеъмоли буюмлари билан таъминландилар.

Ана шу тадбирлар ўз самарасини берди. Колхоз давлатга 3 минг тонна уруғлик пахта топширди. Йил бўйи фидокорона меҳнат қилган Аббос Шаропов, Мухтор Қулбеков, Ғофир Отақулов бошлиқ бригадалар гектаридан 35—36 центнердан ҳосил олиб, колхоз хирмонига баракали ҳисса қўшдилар.

Йиғим-терим мавсумида, айниқса, ўз режаларини ошириб адо этган Турғун Тошев, Қаршибой Бозорбоев, Эгамберди Холбоев сингари суворийлар алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

— Кейинги йилларда режа бажарилса ҳам ортиқча шов-шувларга ўрин қолмаганлиги яхши бўлди, — дейди суҳбат давомида раис, — биз теримни хотиржам давом эттиряпмиз. Яна 300 тоннадан зиёдроқ пахта топширамиз. Шунга яраша далаларда ҳосилимиз бор.

Ҳ. САИДВАЛИЕВ.

Суратда: «Ҳақиқат» ном ли колхознинг пешқадам бригада бошлиғи Аббос Шаропов.

ҲАМКОРЛИКДА САМАРА КЎП

ТОШКЕНТДА педагогларнинг «Халқаро мактаб кенгашлари ҳамкорлиги ассоциацияси»нинг навбатдаги семинар-кенгаши ўз ишини якунлади. Бу кенгашнинг республикамиз пойтахтида чақирилиши бежиз эмас. Сўнгги пайтлардаги республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларида юз берётган ижобий ўзгаришлар айнан педагогларни ҳам ўзбек заминида кенгашишга чорлади. Мухбиримиз Ўрта Осиё республикалари минтақаси ассоциация вице-президенти, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини Пўлат Хотамович ХОТАМОВ билан кенгашнинг қандай самара берганлиги хусусида суҳбатлашди.

— Пўлат Хотамович, бугунги семинар-кенгашнинг Тошкентда бўлиб ўтиши қувонарли, албатта. Айни пайтда Халқаро мактаб кенгашлари ҳамкорлиги ассоциацияси нима мақсадни кўзда тутганлиги ўқувчиларга қоронғу. Шу муносабат билан бу ташкилот ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

— Тўғри таъкидладингиз. Вилоятимиз, жумҳуриятимиз ўрта мактаблари, қўшни ҳамдўстлик жумҳуриятларидаги ва чет элдан ташриф буюрган семинар-қатнашчиларнинг Ўзбекистонда бўлишлари биз учун чиндан ҳам қувонарли ва фойдалидир. Зероки, халқ таълимининг муҳим масалаларини биргаликда ҳал этишга, бу борадаги ранг-баранг бой тажрибаларни ўрганишга нима етсин. Ассоциациямиз 1988 йилда бутуниттифоқ миқёсида ташкил этилган эди. Унда илгариги собиқ иттифоқдош жумҳуриятлардан вакиллар қатнашардилар. Шу йил май ойида Қримда бўлиб ўтган семинардан сўнг у халқаро миқёсдаги мактаблар кенгашига айланди ва ташкилотимизга бир қанча мамлакатлар, жумладан Польша, Чехословакия ҳам аъзо бўлдилар. Халқаро ассоциация президенти этиб педагогика фанлари номзоди В. И. Бочкарев тайинланди. Эндиги кенгашларимиз халқаро миқёсда ўтаётганлиги келгуси ишларимизда катта ютуқларни берса ажаб эмас. Биз мактаблар қошида тузиладиган педагогик кенгашларда олиб борилаётган самарали ишлар ҳақида ўзаро фикр ва тажрибаларни алмашамиз, оммалаштирамиз, камчиликларни бартараф этиш йўлларини излаяпмиз. Хуллас, бир-биримиз билан ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Бу билан халқ таълими бўлимига яқиндан ёрдам бериб келмоқдамиз. Бугунги анжуман ана шу алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Баъзан мактабларда бунга лоқайдроқ муносабатда бўлиш, унга ортиқча иш деб қараш ҳоллари ҳам мавжуд. Шу сабабдан педагогик кенгашларни тузиш, улар фаолиятини бошқариш шартмикан, деган савол туғилади. Шарт бўлса у ҳолда кенгашларнинг қандай бўлишини истардингиз?

— Ўзимнинг мактабдаги бир неча йиллик иш фаолиятимдан келиб чиқиб педагоглар кенгашини ташкил этиш шарт, деб ҳисоблайман. Ўсиб келаётган авлодни маърифат ўчоғидаёқ баркамол қилиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Уларни ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, чуқур билим эгалари қилиб шакллантиришда бундай кенгашлар катта таъсир ўтказиши табиий. Зероки, олдимизда ўқитувчи — ўқувчи ва оиланинг ўзаро алоқасини мустаҳкамлашдек масъулиятли вазифа турибди. Шундагина ишларимизда катта силжишлар бўлиши мумкин.

Бу ҳақда халқаро мактаб кенгашлари ҳамкорлиги ассоциацияси президенти В. И. Бочкарев ҳам ўз нутқида тўхталиб ўтди ва ана шу борада Москвадаги 7-мактабда эришилаётган ютуқлар, бой тажрибаларни ҳикоя қилиб берди. Маълумки, бугунги кунда мактабларимизда пионер, комсомол комитетлари фаолият кўрсатмаянти,—деди у,— ота-оналар комитети ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу эса ўқувчиларни кундалик назоратдан қолдирмоқда. Улар олдидаги масъулиятни сўндирмоқда. Шу сабабдан мактаб педагогларидан иборат кенгаш тузилса, мактаб билан оила ўзаро алоқани боғласа фойдадан ҳоли бўлмасди. Биз бу кенгашлар на фақат ўқувчилар ҳаётида, балки мактаб жамоасида ҳам етилган қатор муаммоларни ҳал этишга ёрдам бераётганлигини кўриб турибмиз.

— Семинар-кенгаш уч кун давом этди. Ундан қаноат ҳосил қилдингизми? Анжуманнинг қандай жиҳатларини муҳим деб ҳисоблайсиз?

— Анжуман самарали бўлди. Бу галги йиғилишимизда анча долзарб масалалар кўриб чиқилди. Урал минтақасидан қатнашган мактаб кенгашларининг вице-президенти В. М. Опалихин сўзга чиқиб уч муҳим масалани, яъни талабаларни мактабда сиёсий, маънавий ва маданий билимларини ўзлаштиришлари кераклиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлади. Тошкент ва Ангрен шаҳридан қатнашган педагоглар мактаб педагогик кенгашларига қонуний ҳақ-ҳуқуқ берилсагина, таълим-тарбияда самарага эришиш мумкинлиги ҳақида таклифлар киритдилар. Биз назарий маълумотларни Ўртачирчиқ районидаги Пушкин номли 1-мактабда янада мустаҳкамладик. Унда кенгаш қатнашчиларининг амалий-назарий машғулоти бўлиб ўтди. Мактаб педагогик кенгашининг раиси Қ. Абдуллаев ўз фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Ўйлайманки, анжуман бошқаларда ҳам катта таассурот қолдирди.

Суҳбатни У. МАНСУРОВА олиб борди.

ФОРИЖДАН ХАБАРЛАР

СЕУЛ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

● ШУ ҲАФТАДА амалга оширилаётган Россия Президенти Б. Н. Ельцининг Жанубий Кореяга ташрифи пайтида ҳарбий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳам имзоланади, деб кутилмоқда. РЕНХАП ахборот маҳкамасининг тарқатган хабарига қараганда, мазкур битимга биноан ҳар икки мамлакат бир-бирлари билан ҳарбий мутахассислар ташрифини айрибошлайдилар, бир-бирларига авиация бўлинмалари ҳамда сувости кемалари гуруҳларини юборишни режалаштирмоқдалар.

МЕКСИКА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● МЕКСИКА Президенти Карлос Салинас де Гортари яқинда «Хорнада» рўзномаси мухбири билан қилган суҳбатида Совет Иттифоқининг емирилиши шундай фавқулодда аҳамият касб этди-ки, ҳали жаҳонда бунинг туб моҳиятига етилганича йўқ, деди. Мексика Президенти собиқ СССР икки қутб таркибида мутаносиблаштирувчи восита эди, эндиликда унинг емирилиши жаҳонни ғоявий, фалсафий ҳамда ижтимоий андозадан маҳрум этди, деб таъкидлади. Ҳозир иккинчи бир чегарага яқинлашдик: фақат бозор муносабатларигина иқтисодиётнинг самарадорлигини кўтариши мумкин, деган тахмин ҳақиқат бўлиб чиқармикин?

БЕРЛИНДАГИ СУД

● БЕРЛИН заминий судида собиқ Германия Демократик Жумҳуриятининг собиқ раҳбарлари устидан суд жараёни давом этмоқда. Қора курсида — Эрих Хонеккер, Эрих Мильке, Хайнц Кесслер, Ханс Альбрехт ҳамда Фриц Штрелецларни кўриш мумкин. Суд тиббий мутахассисларининг айтишича, Вилли Штофф судда қатнаша олмади. Юрак-қон томирлари касаллиги яна ҳуруж қилиб, унинг мазасини қочирди. Шу боис унинг иши алоҳида қисмга ажратилиб, бир муддатгача тўхататиб қўйилди.

Лекин, Эрих Хонеккер ҳамда унинг сафдошлари устидан ўтказилаётган судда ҳам танаффус эълон қилинди. Эшитиш бошланганидан сўнг Эрих Хонеккер ўзини жуда ёмон ҳис қила бошлаганлиги сабабли шундай қилинди. ГДР собиқ раҳбарининг оқловчиси Николас Беккер гапларига қараганда, Э. Хонеккер қон босими ошиб кетган. Суд раиси Хансгеорг Бройтигам Эрих Хонеккерни тиббий кўрикдан ўтказиш учун фармойиш берди.

УҚҚА УЧГАН КИМ?

● ОТИШ учун олиб кетилаётган шахс қуролланган аскарлар қуршовида ўз ҳаётини сақлаш учун уларга ёпишиб, жон-жаҳди билан қичқиради: «Мен Чаушеску эмасман!»

Гап шундаки, румин журналисти Л. Сучевеану «Кувинтул» ҳафтаномасида ўзининг шов-шувга сабаб бўлган «Чаушеску ўлимдан омон қолдими?» деган мақоласини чоп этди.

Отиб ташланган мустабиднинг суратларини таққослаб кўрган муаллиф унинг ўлимигача ҳамда ўлимидан кейинги суратларда жуда катта фарқ борлигини ҳикоя қилади. Биринчи суратдаги киши юзида қонталаш жойлар жуда кўп. Иккинчисида эса умуман йўқ. Биринчисида — саксон ёшлардаги қария (Чаушеску 72 ёшда эди), иккинчисида 50—60 ёшлардаги кимса. Биринчи расмда марҳум оқ кўйлакда, иккинчисида эса мутлақо бошқа кийимда. Энг муҳими, Н. Чаушеску ўлимидан сўнг, уни кўрикдан ўтказган тиббиёт ходимининг сўзларидир. Тиббиёт ходими марҳум «кўз катарактаси» билан оғриганлигини қайд қилган. Аммо, Чаушеску эса бундай хасталикка дучор бўлмаган.

Мақола муаллифи ҳақиқий Чаушеску ўлдирилмаган, унинг ўрнига бошқа одам отилган, деган тахминни олга сурмоқда. Н. Чаушеску отилиши жараёнини тасвирга туширган операторнинг гаплари ҳам ғалати шубҳа уйғотади: Чаушеску отилишини расмга туширмаганлиги видеокассетасининг бузилиб қолганлиги оқибати бўлган эмиш.

... Белградда чиқадиган «Вечерние новини» рўзномасида яқинда босилган мақолада юқоридаги воқеалар батафсил ҳикоя қилиб берилди. Шунинг қизиқки, ҳақиқий Чаушеску отилмаган деган фикрни биринчи марта Руминия журналисти айтаётгани йўқ. Ундан олдин ҳам шундай шубҳаларга борилган эди. Ҳақиқий Чаушеску тирик бўлса ажаб эмас...

ЎЛГАНДАН КЕЙИН ҲАМ ТИНЧ ҚУЙИШМАДИ

● ЎТГАН ҳафта охирида Словакияда катта мотам куни ўтказилди: халқ Александр Дубчек билан видолашди. Маълумки, Дубчек Чехословакия тарихида сезиларли роль ўйнаган сиёсат арбобларидан бири эди. Автомобиль ҳалокатига учрагандан сўнг ўзига келмай А. Дубчек вафот этди. Уни дафн этиш маросимида хорижий мамлакатлардан келган жуда кўп давлат ва сиёсат арбоблари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Лекин, дафн маросими кўнгилларда хиралик қолдирди. Ойнан жаҳон орқали маросимни кузатаётган миниглаб томошабинлар бир нарсага ҳайрон қолдилар: дафн маросимининг бошидан охиригача бирон марта ҳам чех тилида ҳеч ким ҳеч нарса демади. Гап шундаки, Чехословакияда ҳамон А. Дубчекни миллий қаҳрамон деб тан олмаётгирлар: ўтмишда коммунистларнинг раҳбарларидан бири бўлганлиги, Федерал мажлис раислиги пайтида совет танкчиларига қўйилган ёдгорликни ҳимоя қилганлиги, компартияни таъқиқлашга розилик бермаганлигини чехлар ҳамон кечира олмаяптилар, чоғи. Дафн маросимида биронбир чехиялик сиёсатдоннинг сўзга чиқмаганлиги хусусида Чехия ва Моравия компартияси раиси Иржи Свобода, Чехословакиянинг собиқ президенти Вацлав Гавел ҳам таассуф билдирдилар.

ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ДАВЛАТ ХАРИДИ ҲАҚИДА 1992 ЙИЛ 16 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

Районлар	Картошка — тонна: Харид қилинди	фоиз ҳисобида: умумий харид ҳажмига нисбатан	фоиз ҳисобида: 1992 йилда 1991 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	Сабзавот — тонна: Харид қилинди	фоиз ҳисобида: умумий харид ҳажмига нисбатан	фоиз ҳисобида: 1992 йилда 1991 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Оққўрғон	2470	53,6	89,9	14533	90,8	104,2
Оҳангарон	4765	61,8	121,3	53052	102,0	125,1
Бекобод	2204	73,4	1,6 м	15487	72,0	98,5
Бўстонлиқ	1779	71,1	99,2	60508	100,0	101,3
Бўка	4041	73,4	126,5	27153	90,5	121,4
Қўйичирчиқ	2116	60,4	142,1	11559	57,7	66,6
Зангиота	2605	65,1	70,3	54539	100,9	93,1
Юқоричирчиқ	3034	43,3	94,9	32842	93,8	99,9
Қибрай	1823	40,5	95,3	52716	90,8	96,1
Паркент	3787	63,1	104,1	13206	77,6	83,2
Пискент	2034	54,9	78,4	26860	103,3	107,7
Ўртачирчиқ	2895	72,3	148,7	34846	102,4	104,7
Тошкент	9133	101,4	116,3	59031	89,4	76,4
Чиноз	3303	82,5	93,3	16340	71,0	87,9
Янгийўл	4568	57,1	87,7	37286	88,7	99,3
Вилоят бўйича	50557	65,6	105,1	509958	91,8	97,1

Шу йилнинг 16 ноябрига ча 50,6 минг тонна картошка харид қилинди. Бу умумий ҳажмга нисбатан 65,6 фоиздир. Ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан харид қилиш 5,1 фоиз кўпайди. Бироқ Қўйичирчиқ районининг хўжаликлари ўтган йилга нисбатан картошка харид қилишни 42 фоизга кўпайтирган бўлсалар-да, умумий харид қилиш ҳажмини атиги 60,4 фоиз бажардилар. Ўртачирчиқ районда бу кўрсаткич 72,3 фоиз, Бўкада 73,4 фоиз, Бекобод районида 73,4 фоиз, Оҳангарон районида 61,8 фоиз бўлди.

Умумий харид қилиш ҳажмини бажаришда, айниқса, Қибрай (40,5 фоиз) ва Юқоричирчиқ (43,3 фоиз) районлари хўжаликлари орқада қолмоқдалар. Умумий харид ҳажми фақатгина Тошкент районида анча ошириб бажарилди: 104,1 фоизга етди. Умумий харид ҳажмига нисбатан 12,9 минг тонна ёки 25,6 фоиз картошка бозорда сотилди.

Сабзавот харид қилиш 510 минг тоннани ташкил этди. Бу умумий харид ҳажмига нисбатан 91,8 фоиздир. Сабзавот харид қилиш режалари Оҳангарон районида 102 фоиз, Бўстонлиқ районида 100 фоиз, Зангиота районида 100,9 фоиз, Пискент районида 103,3 фоиз, Ўртачирчиқ районида 102,4 фоиз бажарилди. Қўйичирчиқ райони хўжаликларида умумий харид ҳажми 57,7, Чиноз районида 71,0, Бекобод районида 72,0, Паркент районида 77,6 фоиз бажарилди.

Умумий харид қилинган ҳажмга нисбатан 45 минг тонна ёки 8,8 фоиз сабзавот бозорда сотилди.

лика» (1-модда) жумласида **«суверен»** сўзини **«мустақил»** сўзи билан алмаштириш лозим. «Суверен» сўзи (французча) мустақил давлатни англатади, лекин миллатимизга «мустақил» сўзи тушунарли ва яқин ҳисобланади.

Лойиҳанинг 10-моддасида **«Жамиятнинг бирон бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш кўришга ҳақли эмас»** деб ёзилган, **бу жумла ўзига аниқлик киритишни тақозо этади,** чунки халқимиз ваколатига эга бўлган Президент, давлатимиз вазирлари ўз ваколат доирасида «Ўзбекистон халқи», «Ўзбекистон давлати» номидан иш кўришга тўла ҳақли ҳисобланади.

Лойиҳанинг 15-моддасида «Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади», жумласида «устунлиги» сўзи олиб ташланиб, бу модда **«Ўзбекистон Республика ҳудудида унинг Конституцияси ва қонунлари тўла ҳукмрондир»** деб ёзилиши лозим. Чунки «устунлик» сўзи собиқ СССР Конституцияси ва қонунларига нисбатан ўз даврига ишлатилган бўлиб, бугун бу сўз ўз кучини йўқотди.

21-моддадаги «Ўзбекистон Республикасининг буткул ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади» жумласи ўрнига **«Ўзбекистон Республикасида яшаётган фуқаро фақатгина республика фуқароси ҳисобланади»**, «фуқаро айни бир вақтда икки давлатнинг фуқароси бўлиши мумкин эмас» деб ёзилиши лозим, чунки жаҳон миқёсида ҳар бир киши бир давлатнинг фуқароси ҳисобланади.

27-моддага **«Ўзбекистонга бошқа давлатнинг фуқароси фақатгина давлатнинг рухсати билан қабул қилиниши мумкин»**, деган қонда ёзилиши зарур. Чунки давлатимиз ҳар қандай ҳорижий фуқаро учун очиқ бўлиши мумкин эмас. Халқимизда шаҳар бедарвоза эмас, деган мақоли бор, бунга риоя қилиш зарур. Ер юзидаги барча давлатлар ҳорижий давлатлар фуқаросини давлат рухсати билан қабул қиладилар. Лойиҳанинг VII—IX бобларига **«республикамизда яшаётган фуқароларга давлат тенг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқни, тенг имкониятни яратиб беради»** деган қонда киритилиши лозим, чунки демократик давлат ана шундай ҳуқуқлар ва имкониятни яратиб беради, фуқаролар учун эса бу ҳуқуқ ва имкониятдан фойдаланиш шахсий бурчдир.

XI бобга **«Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг энг асосий бурчи Ўзбекистон давлат мустақиллигига содиқ бўлиш, унинг Конституцияси ва Қонунларига риоя қилишдир. Мустақилликка хиёнат қилиш давлат қонуни билан жазоланади»** деган моддани қўйиш керак, чунки мустақиллик — ноёб бойлигимиз, олий қадриятимиз ҳисобланади, мустақил давлатнинг қонуни ҳаммага ҳукмлик қилади.

XII бобга **«фуқаронинг хусусий мулки муқаддас ва даҳлсиздир. Қонуний мулкни таъқиқлаш ёки уни чеклаш таъқиқланади. Давлат хусусий мулкка кенг йўл очиб беради»** деган алоҳида моддани қўйиш лозим. Гап шундаки, Ўзбекистоннинг келажаги бозор иқтисодиётига ўтишда, хусусий мулкни рағбатлантиришдадир. Хусусий мулк эгалари қанчалик кўп моддий бойлик ишлаб чиқарсалар, шунчалик ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тезлашади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси мулкдорлар қанча кўпайса, шунчалик қашшоқлар сони камайиб борганини исботлайди. 54-моддадаги **«миллий... руҳдаги»** сиёсий партиялар жумласига аниқлик киритиш лозим. Лойиҳанинг 57-моддасига **(«Сиёсий партиялар ўз фаолиятларида, хусусан давлат ҳокимияти учун курашда ўз дастурларига амал қиладилар. Улар ўз олдига қўйган мақсадни бажариш учун ҳорижий давлатларнинг моддий ва бошқа ёрдамини олишга ҳақли эмасдирлар»** деган қўшимчани киритишни тавсия этамиз. Ҳорижий давлатларнинг «ёрдами»дан конституцион давлатга қарши курашда фойдаланиш мумкинлигини унутиб бўлмайди.

Маълумки, Ўзбекистонда биринчи бўлиб жорий этилган Президентлик ҳокимияти ўзини тўла оқлади ва ҳаёт синовидан ўтди. Ўзбекистон Республикасининг президентни сайлаш, унинг ваколатлари ва бурчларига доир лойиҳанинг XIX бобига **Ўзбекистон Президенти лавозимига республикада туғилган ва «ўзбек миллатига» ёки «ерли миллатларга мансуб бўлган» фуқаро сайланади,** деб қатъий ёзилиши лозим, чунки Ўзбекистон давлати эиг аввало ўзбек миллати номи билан аталгандир. **Президентни сайлаш мукобиллик асосида содир бўлиши керак,** деган қўшимчани киритиш керак, **Президент лавозимини икки муддат билан чеклаш мумкин эмас. Унинг ўрнига ёши 65 дан ошган фуқаро Ўзбекистон Президенти бўлиши мумкин эмас,** деган жумла керак, чунки Президент халқимиздан олган ваколатни бажариш учун соғлом, жисмоний баҳувват бўлиши лозим.

Лойиҳадан 96-моддани ўчириш, унинг ўрнига **«конституциявий муддат тугаши муносабати билан истеъфога чиққан президент Президентлик Кенгаши аъзоси бўлиб қолади»** деб ёзилиши мақсадга мувофиқдир, чунки бу кенгаш учун мустақил давлатни бошқаришда президент тўплаган бой тажрибадан фойдаланиш объектив зарурат ҳисобланади. 91-моддани **«Мен Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини сақлаб қолиш ва уни янада мустаҳкамлашга»** жумласи билан бошлаш ва қолган жумлаларни дадил давом эттириш лозим, чунки президент ўз қасамёдида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига кафолат бериши шартдир.

92-модданинг 7-банди қуйидагича ёзилишини тавсия этамиз: «Президент ўзининг ички ва ташқи сиёсат соҳасида олиб борган фаолияти, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ҳорижий давлатлар билан Ўзбекистон тузган шартномалар ва битимлар тўғрисида Олий мажлисда батафсил ҳисобот беради, Олий Мажлисга мамлакат аҳволи ҳақида ҳар йили мактуб йўллаб туради».

Лойиҳанинг Ўзбекистон давлатчилиги тарихида муайян ижобий роль ўйнаган ва кейинги йиллари тикланган маҳаллий ҳокимиятни бошқаришнинг ҳокимлик шаклига бағишланган (98—104-моддалар) ҳам демократия знёси, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари асосида қайта кўриб чиқилиши керак. Бу ерда гап барча бўғиндаги ҳокимлар фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов асосида яширин овоз бериш билан сайланиши ҳақида, Президент эса вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимига ўзи ишонган шахсни сайловчиларга тавсия этиши мумкинлиги ҳақида боради.

Конституция лойиҳасини тилшунос олимлар ҳам кўриб чиқиши лозим, чунки унда «принциплар», «нормалар», «орган», «депутат» каби давлат тили сўзлари билан алмаштириш лозим.

Умуман оганда Конституция лойиҳаси асосли, тушунарли ёзилган бўлиб, у демократик, ҳуқуқий давлат, умуминсоний қадрият ва миллий қадриятлар талабига жавоб беради.

Акмал АКРОМОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

МОСКВАДА ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг Россия Федерациясида салкам тўрт ойдан бери фаолият кўрсатаётган элчихонаси қошида 150 ўринли замонавий меҳмонхона ишга туширилди. «Энди хизмат юзасидан Москвага келадиган ҳар бир ўзбекистонлик аввалгидек, қаердан жой оламан, деган муаммо хусусида бош қотирмайдиган бўлди», — деди МДҲ ҳукуматларининг раҳбарлари йиғилишида иштирок этиш учун Москвага келган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов меҳмонхонанинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиқиб.

Маросимда Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчиси Юсуф Абдуллаев ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

ҲАДЯ

«БАРАТ ва ФАРИД» ЛТД» фирмасининг Ўзбекистондаги вакиллари бўлмиш афғонистонлик ишбилармонлар республика болалар руҳий-неврология касалхонасининг врачларига 1 миллион сўмлик чек топширдилар. Бу хайрия пулидан тутқаноқ каби оғир хасталикка учраган болаларни даволашни ташкил этиш учун ишлатилади.

Афғонистондаги таниқли бу фирма бундан кейин ҳам шифохонага баҳолиқудрат ёрдам бериб туришга аҳд қилди. Йил охиригача шифохона яна тўрт миллион сўм олади. Бу пул шифохона биноларини ремонт қилишга ва таъмирлашга сарфланади. Афғон ишбилармонлари билан Тошкент шифокорлари ўртасида тузилган шартномага кўра фирма бундан буён ҳам меҳр-шафқат тадбирларида иштирок этади. Хусусан, фирма вакиллари шифохона учун янги бино қурилишини бошлаш учун унга маблағ ажратишга ваъда қилдилар.

(ЎзА мухбири).

● Диққат: янгилик!

ТАРИХ ВА МЕРОС БОҒЧАДАН БОШЛАНАДИ



МУСТАҚИЛЛИК шарофати билан миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни тиклаш, катта-кичикнинг онгига сингдириш ҳамда тарғиб қилишдек хайрли ишлар тобора кенг тус олаётганлиги барча жабҳаларда ўз аксини топмоқда. Эндиликда Туркистон, Ўзбекистон тарихи, ўтмиши, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Навоий каби халқимизнинг улуғ сиймоларини, қадимий шаҳарларимиз, урф-одатларимиз билан таништиришдек дастурлар асосида таълим-тарбия берилмоқда.

Яқинда пойтахтимизнинг Шайҳонтоҳур районидаги «Гулдаста» номли 567-болалар боғчасида ўтказилган, юқоридаги фикрларимизга ёрқин далил бўла олувчи амалий конференцияда республикамиз вилоятларидан ташриф буюрган вакиллар, халқ таълими район, шаҳар бўлимларининг мудир ва услубиётчилари, педагогика ва мактабгача тарбия соҳасининг олимлари ҳамда отаоналар иштирок этдилар.

Кичкинтойлар гуруҳининг Алишер Навоий ғазалларини ширин тиллари билан ёд айтиб, ундаги сўзларнинг маъноси, изоҳи сўралганда бийрон жавоб беришлари кўпчиликни лол қолдирди. Республикамиз вилоятларининг номланиши ва қайси ҳарфдан бошланишини чаққонлик билан кўрсатиб, айтиб бериш учун икки гуруҳдан иборат болаларнинг жонли машғулотлари ҳам қизиқарли ўтди.

Шуни таъкидлаш керакки, худди тарих музейларининг заллари каби турли қадимги буюмлар, кийимлар, ускуналар, стендлар билан безатилган ўзига хос кичик бўлимларга ҳар бир болада қизиқиш уйғониб, уларни сўраб билишга иштиёқи ошиши аниқ. Самарқанд ва Тошкент шаҳарларининг тарихий, машҳур жойлари андозасида ясатилган саҳнани яратишга кўп меҳнат сингганлиги сезилиб турибди.

Тадбир ташкилотчиси, боғча мудираси **Мастура МИРСОАТОВА** биз билан суҳбатда жумладан қуйидагиларни гапириб берди:

— Аввало, республикамизнинг мустақиллигини каттаю кичик тўла ҳис қилиши, шу жиҳатдан тарбия муассасаларида ёш авлодга берилажак таълимни, машғулотларни бой миллий анъаналаримиз, қадриятларимизга суянган дастур асосида ўтказилиши кераклиги халқ таълими ва мактабгача тарбия муассасалари, идоралари мутасаддилари томонидан ўз вақтида кўриб чиқилганлигини таъкидламоқчиман. Тадбирда иштирок этган, ғазаллар ёд олиб, узоқ ва яқин ўтмишимиздан сўзлаб берган кичкинтойлар гуруҳига эътибор берган бўлсангиз, улар уч ёшдан тортиб олти ёшгача бўлган болалардир. Айни шу даврда боланинг кўрган эшитганлари хотирасида муҳрланиб қолади. Бугунги машғулотларни барча гуруҳларда ўтказамиз. Бунинг учун даставвал тарбиячиларимиздан ўзлари пухта билимли, кундалик воқеа, янгиликлардан, газета ва журналларда чиқаётган тарихимизга, буюк сиймоларимизга бағишланган мақолалардан хабардор ва ташкилотчи бўлишлари, ўз устларида кўпроқ ишлашлари талаб қилинади.

Булардан ташқари келажакда тарбиячиларимиз сонини ошириш, гуруҳларни анча ихчамлаштириш каби тадбирларни амалга оширсак фарзандларимизнинг ўқиб ўрганишларига янада енгиллик, якка тартибда шуғулланишига эса кўпроқ имкониятлар туғиларди.

Боғчамизда яна бир қатор янги машғулотлар, жумладан, болаларга турк ва инглиз тилларини бошланғич тарзда ўргатишни жорий этиш ниятимиз бор. Бироқ, иқтисодий қийинчиликка дуч келадиган бундай янгиликларни татбиқ этишимиз учун бизга ҳомийлар керак. Ўйлайманки, келажак авлодимизни ҳар томонлама етук, баркамол қилиб тарбиялашда катталар, саҳий инсонлар ўз ёрдамларини аямайдилар.

Тадбир сўнгида сўзга чиққан меҳмонлар, мутахассислар боғча фаолияти тўғрисида илиқ фикрлар билдирдилар. Ҳақиқатдан мазкур боғча амалга ошираётган бу ишларни қийинчиликлардан чўчимай, қилинажак меҳнатни оворагарчиликка йўймай, вилоят ва шаҳарлардаги бошқа тарбия муассасалари ҳам йўлга қўйсалар, кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўларди.

Р. ШОЖАЛИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: «Гулдаста» номли 567-болалар боғчасининг ташкилотчи мудираси М. Мирсоатова; кичкинтойлар иштирокида саҳналаштирилган машғулотлар мажмуасидан лавҳалар.

Суратказ Х. СОЛИҲОВ.

ЦЕХДА... ҚЎЗИҚОРИН

ЎЗБЕКИСТОН металлургия заводидаги «Пресс» кичик корхонаси қўзиқорин етиштира бошлади. Шу мақсадда электр пўлат эритиш цехи маъмурий-маиший корпусининг жуда катта зах босиб ётган катта ертўласидан фойдаланилмоқда. Бу ерда сўкчакларда махсус аралашма солинган елим халтачаларда вешенки қўзиқорини етиштирилмоқда. Шароит танламайдиган бу қўзиқорин дунёда етиштириш ҳажми жиҳатидан учинчи ўринда туради.

Вешенки бир ярим ойда етилади. Битта халтачадан бир килограммгача қўзиқорин олиш мумкин. Жажжи корхонанинг ишбилармон жамоаси тез орада ҳар куни 100 килограмм қўзиқорин етиштиришни мўлжалламоқда. Бу маҳсулот завод ходимларига шартномавий нархларда сотилади.

●

ХЎРАНДАЛАР МАМНУН

РЕСПУБЛИКА пойтахтининг Миробод туманидаги «Сарикўл» турар-жой даҳасида «Бешчинор» деб аталган ошхона фойдаланишга топширилди. Бу ерда буфет, новвойхона ва қандолат цехлари ҳам бор. Маҳсулот сақланадиган ва тайёрланадиган хоналар зарур анжомлар билан жиҳозланган. Пазандалар тайёрлаётган миллий таомлар хўрандаларга манзур бўлмоқда.

(ЎзА).

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

● РЕСПУБЛИКАМИЗДА илк бор юксак савияда, дўстона кайфиятда, ишчан руҳда ўтказилган ёш ватандошлар халқаро анжуманининг йиғирмадан ортиқ давлатлардан ташриф буюрган иштирокчилари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга миннатдорчилик мактуби топширдилар. Шунингдек, Ўзбекистон ёшларига мурожаатнома эълон қилдилар ва ўзаро аҳднома имзоладилар.

Ишбилармон ёшларнинг айримлари ҳамон республикамиз ҳудудида меҳмон бўлиб хўжаликларимиз, корхона ва ташкилотларимиз, ижодий уюшмаларимиз билан яқиндан танишишни давом эттирмоқдалар, ўзаро фойдали шартномалар тузишни режалаштирмоқдалар. Қуйида анжуманинг икки қатнашчиси билан қилган суҳбатимизни ўқийсиз:

●

Маҳфуза ОРИФ қизи, унинг ўғли АЛПАРСЛОН (Туркия):

— Хурсандчилигимни таърифлашга сўз ожиз. Ота-боболарим қадами теккан муқаддас она-Ватанга ташриф буюриш бошимни кўкка етказди. Бундан бир йил аввал ҳам бундай ташриф тўғрисида хаёл қилиб бўлмасди. Иншооллоҳ юртимиз мустақил бўлди, ҳориждан бу ерга йўллар очилди, бундан буён бордикелди мунтазам бўлади.

Отам Тошкентнинг Шайҳонтоҳуридан бўлиб, тақдир тақозоси билан 1931 йилда Хитойга ўтиб кетганлар. У ерда ҳам келгиндиларга сафимизда ўрин йўқ, деб қувғинга олингач, оиламиз Ҳиндистонга кўчган.

— Соф ўзбек адабий тилида гапираяпсиз, тилимизни қандай сақлаб қолгансиз?

— Ватандан чиқиб кетган ота-онам кўп хорижий тилларни ўрганишга мажбур бўлишади. Қаерда бўлмайлик, қаерга бормайлик, ота-онамиздан бизга мерос бўлиб қолган бой бўлмиш ўзбек тилимиз, урф-одатларимизни сақлаб қолишга ҳаракат қилганмиз ва бизни шунга мажбур ҳам қилишарди, биз ҳам ўз навбатида фарзандларимизни шундай тарбиялаганмиз.

— Касбим меъморчилик, — деди Алпарслон. — Шу нуқтаи назардан Тошкентнинг меъморчилик санъати менда катта таассурот қолдирди. А. Навоий номли театр, Халқлар Дўстлиги саройи, метро ва бошқа кўплаб мен номларини билмаган кошоналар бор экан.

Ўзбекистон мустақил бўлди, эндиги вазифа уни сақлаб қолиш, давлатимизнинг келажаги тўғрисида қайғуриш лозим. Биз хорижлик ватандошлар ҳам Ватанимиз учун холисанлиллоҳ ёрдам беришга тайёрмиз.

— Худо хоҳласа узоқ 10—15 йилда Ўзбекистон мутлақо бошқача бўлади. Бундай инқилобий ўзгариш ясаш учун табиат инъом этган бойликларимиз бор. Бугун бизга хориждан ёрдам бериб туришса, кейин биз ўн чандон қилиб қайтарамиз.

— Дилимдаги гапни айтдингиз. Фикрларимни тилимга чиқаришга улгурмаган эдим.

●

Урхун БОБОҚУРБОН (АҚШ):

— Колумбия университетини тугатганман, сиёсатшуносман. Ўзбекистонимиз шундай бой давлатки, уни тўғри йўлга сола билмоқ керак. Мустақиллик энди йўлга тушди, иншооллоҳ яқин келгусида таниб бўлмас даражада ўзгаришлар бўлади.

Илм бобида ҳам Ўзбекистон буюк давлат бўлган. Европаликлар Ибн Сино, Улуғбек, Абу Райҳон Беруний ва бошқа кўплаб илм аҳлларидан сабоқ олганлар. Эртага биз яна буюк Ўзбекистон Давлати бўлишимиз керак. Чор самодержавиесидаги давридан бери 125 йил сабр қилиб яшадик. Энди ҳур замон келди. Бизнинг ҳозирги вазифамиз илм олиш ва меҳнат қилишдир. Юртимизда тинчлик бўлса, ниятларимиз амалга ошгай. Бизга ота-боболаримизнинг йўлини берсин, имонимиз кучли бўлсин.

— Ота-онангиз, хориждаги ўзбеклар ҳақида гапириб берсангиз.

— Бобом Муҳитдинбой асли марғилонлик бўлиб, 30-йилларда Ўзбекистондан чиқиб кетганлар. Тақдир бўлиб ота-онам Туркияда топишишган, кейинчалик Америкага кўчиб кетишган. Отам — Камолжон тижорат билан шуғулланади, онам биз, фарзандлари тарбияси билан банд. Менга она-Ватан меҳрини, туйғусини берган ота-онам бўлади.

АҚШда 500 га яқин ўзбек оиласи бор. Улар билан борди-келди қиламиз. Хориждаги ўзбекларни — ватандошларимизни қаҳрамон деб атасам хато бўлмайди. Улар ўз вақтида тақдир тақозоси билан Ватандан кетиб, Ватан туйғуси билан яшадилар, тилимизни, динимизни, имонимизни, урф-одатларимизни тўла сақладилар. Ватандошлар билан қаерда учрашмайлик, жонажон Ўзбекистон бизнинг бош мавзу бўлиб қоларди. Иншооллоҳ, дориломон кунлар келиб ота-юртга ташриф буюрдик.

Шуни мамнуният билан таъкидлашим керакки, ўзбек тилида равон сўзлашим, ўқишимда америкалик ўзбек Убайдулла Нуроганинг хизматлари менга кўп сингган. Дам олиш кунлари у кишининг уйларига бориб илм олардим, устозимдан менга она тилимни ўргатгани учун бутун умр миннатдорман.

А. ГУЛОМОВ суҳбатлашди.

Бизнинг суҳбат

«ЎЗБЕКИСТОН— БОШ МАВЗУИМИЗ»

ТАШМАЧИЛАРГА ЙЎЛ ЁПИҚ

ЧИРЧИҚ ШАҲАР БОЖХОНАСИ ХОДИМЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ҚАТЪИЙ КУРАШ ОЛИБ БОРМОҚДАЛАР

Ҳозир саҳоватли она тупроғимизда олийҳиммат деҳқонларимиз етиштирган ноз-неъматлар йиғиштирилиб, халқ дастурхонига тортиқ этиладиган айни палла. Бироқ, ана шу неъматларнинг ҳаммаси ўз халқимизга тўлиғича етиб боряпти, деб бўлмайди: чунки, ҳамёнларини қаппайтириш дардига тушган баъзи учарлар ўз халқининг ризқини қийиб, моддий бойликларимизни республикамиздан ташқарига олиб чиқиб, икки-уч баравар қимматига сотишга уринмоқдалар. Бунинг оқибатида бозорларимиз ўз тўкинлиги, арзончилигини йўқотмоқда.

Чирчиқ шаҳри қўшни Чимкент вилояти билан чегарадош. Шунинг учун ҳам бу ерда давлат божхонасининг 16-пости ташкил этилди. Ички хизмат капитани Ҳамидулла Ҳабибуллаев бошчилигидаги пост ходимлари ўтган 10 ой мобайнида 5,5 миллион сўмликдан зиёд турли озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмоли буюмларини ташмачилардан тортиб олдилар ҳамда давлат ҳисобига ўтказдилар.

Ташмачилар турли йўллар билан пост ходимларини чалғитишга уринсалар-да, барибир «тузоқ»қа тушадилар. Мана, «61-15 ЧМТ» номерли «КамАЗ» автомашинаси тўхататилди. Унда 10 тонна шакар борлиги аниқланди. Ноинсофликни қарангки, туркиялик дўстларимиз биз учун юборган бу шакарни Тўйтепа нон заводидаги «ишбилармон»лар Чимкентдаги «Дўстлик» ширкатига «тортиқ» қилишибди. Қанчадан-қанча ишчи ва колхозчи оилаларида болалар бир чимдим шакарга зор бўлиб турганда уларнинг ризқини қийиб, ўғирликка қўл урган балохўрларни нима деб аташга ҳам ҳайронсан. Қани энди, уларни очиқ машинага миндириб, бутун Чирчиқ шаҳрини айлантирсанг, «ҳуси жамол»ларини ҳаммага кўрсатсанг!

В. Федорин «Сангзор» артелига қарашли «35-41 ТШР» номерли «КамАЗ»ни ширин хаёллар билан Железноводск шаҳри томон ҳайдаб кетаётганида божхона ходимлари томонидан тўхтатилди. Юкни кузатиб бораётган В. Риттер: «Мана, рухсатномам бор, 2716 кило пиёз олиб кетаяпман», деди. Бироқ, автомашина рессорларининг ҳолати пост хизматчилари М. Юсупбоев ва А. Маннопов ларда шубҳа уйғотди. Улар пиёзлар остига нималарнидир яширишган, деган хулосага келишди. Шубҳа тўғри чиқди: юк туширилганда уларнинг остидан чўяндан ясалган 52 дона 8 қовирғали ситиш батареяси, 6 та газли сув ситиш қозони, бир дона рангли телевизор, сув журракларидан иборат 123 минг сўмлик ноёб моллар борлиги аниқланди. Ахир, буларни ўзимиз кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмаймиз-ку.

Сибирь томонларда пиёз нархи биздагидан бир неча баравар қиммат. Пул ишқига тушганлар ўз халқи эҳтиёжларини эмас, ана шу фойдани ўйлайдилар. Шунинг учун ижарачи деҳқонлардан ўнлаб тонна пиёзларни сотиб олиб, кишибилмас Сибирь томонларга жўнашга уринадилар. Божхона хизматчилари Тошкент шаҳар 1-автокорхонага қарашли «12-56 ТНХ» автомашинасидаги 11 тонна, «61-74 ТНН» автомашинасидаги 14 тонна пиёзни давлат фойдасига мусодара қилдилар. Бўстонлиқ районидаги Абай номли жамоа хўжалигидан шунча пиёзни ортиб, Новокузнецкка олиб кетаётган М. Мумбеков ва А. Тожибоевларга 500 сўмдан жарима солинди, пиёзлар «Сув оқава» ва «Коммунал ситиш» идоралари жамоаларига давлат нархида сотилди.

Пискентликлардан Т. Тошматов ва У. Хонхўжаевлар ўз шахсий автомашиналарида минг кило қизил булғор қалампирини Чимкентга олиб кетишаётганда тўхататилдилар. Қарангки, уларнинг моли чимкентликларга эмас, «Ғунча» тикувчилик фабрикаси ишчиларига насиб қилган экан.

Ангренлик Вячеслав Иванович Уфаев «58—90» номерли «КамАЗ»ни Ростов-Донга кузатиб бораётганда тўхтатилди. Машинада 6691 кило пиёздан ташқари юк автомошинасининг янги аккумулятори, эҳтиёт қисмлар бор экан.

Божхона ходимлари хавфли жиноятчиларни ушлашда ҳам намуна кўрсатмоқдалар. Масалан, Чирчиқ шаҳрида яшовчи Сергей Прусовский «Р 19-78 ТШ» номерли «Москвич» машинаси эгаларини пичоқлаб, шу машинада Қозоғистон томонга кетаётганда пост хизматчилари шубҳаланиб, тўхташ ҳақида ишора қилдилар. Сергей тўхташ ўрнига машинани тўғри пост хизматчиларига қараб ҳайдади, шлагбаумни уриб юбориб, қочишга тушди. Лекин, бу ишга раҳбарлик қилган вилоят божхона бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, ички хизмат майори Акбарали Абдусаматов ҳамда пост бошлиғи, капитан Ҳ. Ҳабибуллаевларнинг ҳаракатлари туфайли жиноятчи қўлга олинди.

Хуллас, Чирчиқ шаҳар божхонаси ходимлари иқтисодий жиноятларга қарши астойдил курашмоқдалар. Октябрь ойининг ўзидаёқ ярим миллион сўмлик мол қайтарилиб, шаҳар аҳолисига сотилди.

Ш. ТУҒОНОВ, «Чирчиқ» шаҳар газетаси муҳаррири.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

Тошкенбой Эгамбердиев номли ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЦИРКИ (Ҳадра майдони) БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН! Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида 25 декабрдан 1993 йил 10 январгача «ЦИРКДА АРЧА»

ҚОРБОБО ВА ҚОРҚИЗ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ўғил ва қиз болалар!!!

Катта цирк томошалари, ғаройиб саргузаштлар, масхарабозлар ва артистлар Сизларга мунтазир!

ТОМОШАЛАР: 25 декабрь соат 12, 14, 16.00 да;
26 декабрь соат 10, 12, 14, 16.00 да;
27 декабрь соат 10, 12, 14, 16.00 да;
28 ва 29 декабрь соат 12, 14, 16.00 да;
30 декабрь соат 16.00 да;
1 январь соат 10 ва 16.00 да;
1993 йил 2-8 январь кунлари соат 16.00 да;
1993 йил 9 ва 10 январда соат 10, 12, 14, 16.00 да бошланади.

Касса соат 10 дан 18.00 гача ишлайди.

Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91. Қишлоқ аҳолисининг талабномалари бўйича навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш йўлга қўйилган.

Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Цирк фойесида шошилинч суратказиш устахонаси ишлаб турибди.

44-29-04.

Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институти томонидан **СОХАТАЛИЕВ Комилжон Иброҳимович** номига 1992 йилда берилган ФВ № 956653 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Тошкент вилоят бошқармасининг бош иқтисодчиси М. Т. Мирсолиевага отаси **Толиб ЕРГЕШЕВнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
АХБОРОТ, ЭЪЛОНЛАР ВА ТИЖОРАТ БЎЛИМИ 33-99-15

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кучаси.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г-457. Индекс: 64672. Босмага топшириш вақти — 20.30. Босмага топширилди — 20.00 31730 нусха босилади.